

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Жаңырса

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

№ 70 (2334).

1991 ЙИЛ 11 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

РУҲЛАРИ ШОД БЎЛСИН

Кўнгли яримтадан ҳол сўраш, унга ҳамдарду вақти келганда тиргак бўлиш савобига нима етсин! Утган шанга куни Андикон вилоятидаги Хонтоғ бағрига жойлашган хушманзара оромгоҳда йигилганинг дилида ана шундай эзгу истак түғён урди.

Йигин давомида жиноятчилар билан олишувда, хизмат бурчими ўташда ва одамларни ёнғиндан қуткаришда ҳалок бўлганинг табаррук номлари илиқ сўзлар билан тилга олиниб, уларнинг рудлари шод айланди.

Мана марҳумларнинг номлари. Поп тумани ИИБ участка вакили милиция катта лейтенанти Содиқон Чўтандов, Наманганд шаҳар Аҳмаджонов ходими милиция майори Умарали Мажидов, Андикон вилояти ИИБ ДАНБ ходимлари милиция катта лейтенанти Иzzатилло Мадаминов, милиция сержантини Аҳмаджон Хўжамов, Андикон шаҳридан 1-мустақил ҳарбийлашган ўчириш кисми ходими Шокиржон Қодиров, Кўкен шаҳар АИБ БХСС ходими милиция катта лейтенанти Мурод Каримов.

Жасорати ва хотираси қалбларда мангу қоладиган ҳамкасларимизнинг оила аъзолари га ССЖИ, ЎзССЖ ИИВлари, Андикон вилояти ИИБнинг ёрдам пуллари ва эсадлик совғалари топширилди.

Ф. ТЕМИРОВ.



— Ҳайдовчига далда бериш, унинг ўзига кўринмаган хатоларини мумала билан тушунтириш керак. Шундагина у ДАНБ ходими кїфасидаги жазоловчини эмас, осоиштатик истаган кишини кўради,— дейди биз билан сұхбатда Урта Чирчик тумани ички ишлар бўлими ДАНБ ходими милиция сержантини Мамуржон Аҳмаджонов.

Касбига меҳр қўйган, хизмат бурчими сидқидилдан ўтаётган бу йигитни кўпчилик танийди, билади.

СУРАТДА: М. Аҳмаджонов ҳайдовчининг ҳуқокатларига кўз юргуттирмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

Кечиккан кўз ёшлари

Кейнинг пайтда балоғат ёшига етмаганлар ўртасида жиноятчилар кўпайиб бормоқда. Нима учун? Бунга шундай деб жавоб бериш мумкин. Баъзи бир ота-оналар фарзандлари тарбияси билан мутлақо кизикмай қўйганилар. Ачинарлиси шуки, уларнинг ўзи тарбияга муҳтож, Ичкилик, гиёҳвандлик бундай кимсаларни одамийлик чегарасидан итқитиб ташлаган. Ўзини билмайдиган, бугунини аранг ўтказдиганларнинг зурриёди қандай қилиб инсоний бурчларни ўргана олсин. Бундан ташқари, ана шундай «қаросиз», «эътибордан четда қолган» ўсмиirlар ўқитувчилар

назаридан ҳам тушган. Мактаб ва билим юртлари раҳбарлари «тарбияси оғир»ларга насиҳат бериш, тўғри йўлни кўрсатиш ўрнига улардан қандай қилиб бўлсада, кутилиш йўлларини ўйладилар. Натижада батамом «ортиқча» бўлиб қолган ёшлар кўнглига келган ножӯя ҳаракатни қиласди, маишат учун текин даромад топиш йўлига ўтиб олади.


Валерий ва Асан ҳам ана шундай «ортиқча»лардан. Бир куни улар қўшилари Николай амаки уйни ёпмасдан ҳовлига тушганидан фойдаланиб колмоқчи бўлдилар. Дарров хона-

донга кириб, у ердан 400 сўм пул, суратга олувчи аппарат ҳамда жажоғи калькуляторни ўғирлаб олиб чиқишиди. Сўнг эҳтиёткорлик билан унинг ертўласига тушиди. У ерда «ўлжалан» ўзаро бўлишиб, ишончли ерга яшириб кўйишиди. Мақсадлари кечқурун пинхона маишат қилиш эди. Аммо...

Жиззах шаҳар ИИБга келтирилган Валерий ва Асаннинг хаёлидан базмӣ жамшид дарров учуб кетди. Иккаласи ҳам кўз ёши тўкиб, кечиришларини ўтниб сўрашарди.

А. МУМИНОВ.

ЎЗИМИЗ ҚИЛМАГАН ИШЛАР



САЛОҲИДДИН ШАРИФ, Урта Осиё ва Қозогистон мусулмонларни диний бошқармаси иктиёридаги «Мир Араб» мадрасасининг мудири.

Жиноятчилик. Бунинг илдизи қаерда? У иннадан пайдо бўлди-ю, уни қандай қилиб йўқотиш мумкин? Ахир, бу умумий тушунча остида минг-минглаб умри хазонлар ётибди ва яна қанча умрлар хазон бўлади? Бу саволларга, афсуски, бугунгача жўяли жавоб айтилгани йўқ. Шундай

— Ҳурматли Салоҳиддин домла, ўзингизга маълум «Аввал иҶтисод, кейин сиёсат» дейнишади. Шу боис сұхбатимиз итидосида Сизни ва Сиз орқали Бухорои шарифдаги барча эътиқодли қавмларнинг мусулмон аҳлининг иккичи бир улуг айёми — яқинлашиб келаётган нийд-Қурбон ҳайити билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.


— Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳим, Алҳамдулилло Вассалому Вассалому аъло Расуллулоҳ, Самимий табрик учун ташаккур. Нафақат Бухорои шарифдаги, балки жумҳуриятимизнинг рўзномаларнинг етиб борадиган барча вилоятларидаги мўмин мусулмонларни бу айём билан чин дилдан қутлаймиз. Аллоҳ барчамизни шу муборак айём жиҳатидан гуноҳларимизни маҳфират қилиб, жамиятимизнинг руҳий покланиши йўлидаги олиб бораётган ишларимизни муборак қилган бўлсинг!

ЖУРНАЛИСТ ҚАЙДЛАРИ

Жамиятнинг руҳий покланиши... Наҳотки, кечагина биз осмонларга кўтариби мақтаб юрган тузумимиз шу даражада руҳий тарбияга муҳтож бўй (Давоми 2-бетда).

бўлсада, ушбу мавзудаги яна бир сұхбатни чоп этажимиз. Унда шу пайтгача бир-бирига ишончсизлик, қадрсизлик билан муносабатда бўлиб келган иккича мафкура вакиллари иштирок этади.

Сұхбатдошлар билан танишинг:



ШОДИЕР МУТАҲҲАРҲОН ўғли, КПСС МҚ қошидаги Ленинград сиёсатшунослик институтининг толиби, журналист.

ЖИНОЯТ ОЧИЛДИ

«Правда» колхозининг Киров кўчасида кеч соат 21:30 да топилган мурда Коммунистик тумани ИИБ ходимларини оёққа турғазди. Ўлникнинг шахси аниқланди. У 1953 йилда туғилган, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманида яшовчи Расим Аҳмадъянов бўлиб чиқди. Мурдага етказилган тан жарҳатлари уни қасддан ўлдиралганидан далолат берарди.

Оператив-тергов гуруҳи суриширув ишлари олиб бори, жиноятчиларни аниқлашга муваффақ бўлди.

Владимир Ли 1970 йилда туғилган, Олег Лигай 1973 йилда, Наталья Шин 1973 йилда, Александр Конай 1971 йилда туғилган, ҳарбий хизматчи. Улар қилимешларнига тўла ицро бўлдилар.

Қотилликни тез фурсатда очиб, жиноятчиларни ушлаган ходимлардан вилоят ИИБ ЖҚБ катта вакили милиция подполковники В. Иванов, Коммунистик тумани ИИБ бошлиги ўринбосари милиция подполковники Ф. Раҳимов, ИИБ ЖҚБ бошлиги милиция майори И. Икромов, ДАНБ бошлиги милиция майори У. Усмонов, ЖҚБ катта вакили милиция капитани Р. Шерматов, милиция капитани С. Мамутов, участка вакили милиция лейтенанти Х. Миртолиповлар номи рағбатлантириш учун вилоят ИИБга тақдим қилинди.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ.

ЎЗИМИЗ ҚИЛМАГАН ИШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

либ қолди. Наҳотки, мағкурамиз шунчалар кучсиз эди. Еки... Ҳа, биз ўз айтганимиздан қайтмадик. Қўл чўзасак осмонни узамизу, тикилсан ерни тешамис, дедик. Инсон қанчалик гердаймасин, ҳеч қачон ерни тешиб юбормаслиги тўғрисида бундан 1400 йил илгариёқ ёзиб қўйилган муқаддас китоб (уни фақат бугун, ноиложник мукаддас, деяпмиз. Иложини топсан...) номини эштишни ҳам хоҳламадик. Қарабсизки «Олга! Олга!» шиорлари остида шаҳар билан қишлоқни тенглаштириш сари дадил қадамлар ташланётган, «коммунизм» бўсағасига фуқароларнинг йиқилса, манглай теккүдек масофа қолган жамиятда жиноятчилик кўз кўриб, кулоқ эшитмаган даражага етди.

Ҳа, домла тўғри айтдилар. Ваҳдоланги, улар доимо тўғри сўзлаб келишган. Лекин шу пайтгача бу ҳақ сўзларни эштадиган қулоқларга пахта тиқилган, уларни ёзадиган қўллардан қалам олинган эди. Бу сўзларни ҳозир қанчалик куюниб ёзатдан қўлсан, бундан бир неча кун олдин бухори шарифден азим шаҳардаги минг ўшлиқ «Минораи «Калон» қаршилигидаги мадрасанинг мўъжаз ҳужрасида домлага шунчалар ийманниб тушунтираман. У киши мийигида кулиб, саволларимга жавоб қайтаради. Қуръони карам оятларидан, бутун инсониятга саодат йўлини кўрсатиб кетган пайғамбар Рашуллогоҳнинг ҳадиси шарифларидан мисоллар келтиради.

Мен эса онгимга сингдирилган мағкуравий қайсарлигим тутиб, қайта-қайта саволлар ташлайман...

— Тақсир, бугун ҳаммани зор қақшатаётган жиноятчиликнинг асл сабаблари, уни бартараф этиш йўллари борми?

— Мавзуз оғир. Вақт оз, умр қисқа. Начора, жамиятимизни руҳий поклашга ҳисса қўшиш ҳаммамизнинг бурчимиш. Зора ушбу сұхбатларимиз сабаб йўлдан адашган биродарларимиз ҳақ йўлга кирсалар.

Зор қақшатаётган жиноятчилика иелсак, у кечаки бир ой олдин пайдо бўлган иллат эмас. Бу дунё яралгандан бўён давом этиб келаётган гайрий инсоний одатдир. Фақат турли даврларда унга турлича қараб келинди ва турли усулларда курашилди.

— Ислом дастлаб дин сифатида жорий этила бошланган даврларда бу кураш қандай усулда олиб борилган?

— Маълумки, ислом тинчлик дини. У кишиларни фақат ҳамкорликка, ахилликка, ўзаро меҳр-муҳаббатда ҳаёт кечиришга, ҳеч кимнинг зарарига иш тутмасликка, одобу ахлоқни камол топтиришга чақиради. Ҳали айтганимиздек, жиноятчилик дунё яралгандан кўп ўтмай юзага кела бошлаганди. Умумий номдаги бу иллат зинокорлик, ичкиликбозлиқ, порахўрлик, ўғрилик, кишиларни қул қилишда ёки жисмоний зарар етказиша ва бошқа кўринишларда зоҳир эди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга наబийлик (Аллоҳнинг элчиси) даражаси берилди, вахҳий кела бошлагач, имонга, инсофга чақириш билан бирга ана шу иллатларга қарши курашила борди. Албатта, қувгин ёки қурол билан эмас, балки яхши сўз, тушунтириш, Қуръон оятларини ҳалқка етказиши билан бу кураш кутилмаган самаралар берди.

Бугун жиноятчиликин келтириб чиқараётган бош сабаблардан бири, деб тан олинган ароқхўрликни оладиган бўлсан, пайғамбаримиз даврларида бу иллат

ниҳоятда чуқур илдиз ота бошлаганди. Аллоҳ ўзининг маҳбуб пайғамбарига бу расво одатни даф этишига қўлланма сифатида биринчи оятни туширди. Маккан мукаррамада нозил бўлган бу оят қўйидагича: «Хурмо ва узум меваларидан маст қиладиган шароб ва покиза ризқ олурсизлар, албатта, бу нарсаларда ақлли одамлар учун аломат бордир». Бу оят нозил бўлгач, қўллаб кишилар пайғамбари миз ҳузурига келиб, йўл-йўриқ сўрай бошлайдилар. Шундай «хамр», яъни ароқ ҳақидаги иккичи оят нозил бўлади: «Эй, Муҳаммад, Сиздан ароқ ва қимор ҳақида сўрайдилар. Сиз айтингки, буларда буюк гуноҳ бордир ва инсонлар учун бироз манбаатлари ҳам бор ва гуноҳлари манбаатларидан кўп каттадир...».

Мана шу муқаддас оятлар сабаб Макка аҳлида ичкилика руҳий бироз сусайди. Лекин бу ҳали ҳамма ичкиликтан қайти, дегани эмасди. Шундай бўлсада, Расуллulloҳ ва ул зотнинг саҳобалари бу иллатга яхши сўз билан қаршиликлар қилиб турдилар. «Моида» сурасининг 90-91-оятлари келгач, гуруҳ-гуруҳ кишилар ичкиликтан юз ўтира бошлаши. Мана ўша оятлар: «Эй, имон келтирган бандалар! Албатта, ароқ, қимор, бутнарастлик ва фобилик ифлос нарсалар бўлиб, шайтоннинг ишидилар. Бу нарсалардан четлашинг, тоинки, нажотга эришасизлар. Шайтон ароқ ва қимор орқали сизларнинг ораларингизга адоват ва нафрат сочмоқчи бўлади. Ва яна сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намозидан тўсмоқчи бўлади. Сиз бу нарсалардан қайтасизми — ўзи?»

— Нега бугун кишилар ичкиликтан, қиморбозлик ва фахш ишлардан осонликача юз ўтиришомляти?

— Чунки бугун яхши сўзлар кам. Дўй, пўписа кўп. Аҳлоқ тузатиш меҳнат колониялар кўп-у, кучли Қонун йўй. Ахир, тушунгандан ўнгришига ҳудуди қўлдириб бўлмайди. Фақат яхши насиҳат, руҳий тарбия бугун жуда-жуда зарур. Бизни бугунги аҳволимизни ўзимиз дунёга келмаёт, сарҳисоб қилиб қўйиган парвардигор Қуръони карамда хабар берган эди. «Ўз парвардигоринг йўлига ҳикмат ва яхши насиҳат билан чақир. Ва улар билан яхши услугда баҳс юрит». («Нақл» сураси, 125-оят).

ЖУРНАЛИСТ ҚАЙДЛАРИ

Нима ҳам дердим, ўз Робиси йўлида риёзат чекаётган, факат яхшилик, меҳр, оқибат тантанаси учун бел боғлаган 30 ёшлар атрофидаги сұхбатдошим ҳақ.

Биз эса шу пайтгача ўзимиздан бошқани тан олмасликка тиришдик. 30-йилларда жиноятчилини бутунлай йўкотиши учун суд-сўроқсиз қатл этишига одатландик. Уша зот кетгач, яна ақвон ўз изига тушиб олди.

1929 йили Америка Қўшма Штатлари Конгресси ичкиликбозликка қарши махсус тадбирлар ишлаб чиқди. Оммавий кураш бошланди. Натижаси нима бўлди? Бугун виски кулимаган нонуштаю, жиноят қулимаган фуқаро йўқ.

80-йиллар ўрталарида ўзимиз ҳам Америкадан ўзмоқчи бўлдик. «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш» тўғрисида махсус қарор чиққач, кўзда тутилган мақсад амала ошганда эди, бугун лаънати ичимликнинг баҳоси 25 сўм бўлмаган бўларди. Ароқ домига тушган ота болаларининг ризқи бўлмиш «компенсация» пулидан ўғрилаб, ҳар куни шом қоронғусида пана-панада улфатчилик қулимаган бўларди.

Хуллас гапираман десанг гап кўп-у...

— Биз гапиришдан чарчамаслигимиз керак, бирордар! Чунки бир қишининг жиноят йўлидан оёқ тортиши бу улуғ савоб. Демакки, жамиятимизнинг соғлом фуқароси биттага кўпайибди.

— Лекин биргина сизу бизнинг гапимиз кор қилармикан?

— Тўғри насиҳат ўз йўлига-ю, Қонун ҳам ўз йўлига. Албатта, мустаҳкам, пухта йўланган Қонун бўлиши шарт. Ахир, ўтган даврларда шариат ҳукмлари ниҳоятда қаттиқ бўлган. Жамият қонунчилигида қаттиқ-қўллик жуда-жуда зарур.


Бугунги қонунчиларимизга бир назар ташлайдиган бўлсан, кулгудан ўзимизни зўрга тутиб турдим. Машина ўғирлаш, кишилар уйига ёмон ниятда бостириб кириш, йўлтусарлик, чўнтакка тушиш — буларнинг бирорта-

келтирган бандалар!

Ўз йўларигиздан боши ўйларга кирганда, то руҳsat сўраб, ўзининг танишириб ва салом бермагунингизча кирмангизлар. Шундай қилингиз сизлар учун яхшидилар. Шояд шу гапдан пандусиҳат олгайсизлар. Агар кирмоқчи бўлган уйингизда ѡч ким йўқ бўлса, унга кирмангизлар, то руҳsat бўлмагунча. Агар ичкаридан «қайтинглар» деган жавоб бўлса, кирмай қайтаверингизлар. Шу қилмишларингиз ўзларнинг учун яхшидилар. Аллоҳ барча ишларингизни билиб турувчилик. Мана сизга ҳафталаб беъга ҳовлиларни қўриқлаган ҳақиқат.

— Жиноят йўлига кириб бораётган бугунги авлод бу боши берк кўчадан ҷица олармикан?

— Бунинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, яна тақорлансада, руҳий ва маънавий



сига ҳам қатъий жазо чорлари белгиланмаган.

— Ўтмишда буйдай турдаги жиноятлар жуда кам соидир этилганинг гуводи бўламиш. Наҳотки, саводсиз ҳалқнинг қонунларидан кучли бўлган бўлса!

— Бирорд! Ўтмиш билан бугун ўртасида осмон билан ерча фарқ бор-ов. Биринчидан, ўтмишда ота-бобонгиз машина минмаган. Шундай бўлгач, уни ўғриси ҳам бўлмаган. Иккинчидан, ўғирлик қилганинг қўли кесилган. Зинокор эса ҳалқ ўртасида сазойи қилинган. Пайғамбарамиз ўз ҳадиси шарифларидан биринда: «Ўғри ўғрилик қилиб, бирорнинг ҳақини олаётганида мўмнилиги қолмайди», — деганлар.

— Бирорд! Ўтмиш билан ерча фарқ бор-ов. Биринчидан, ўтмишда ота-бобонгиз машина минмаган. Шундай бўлгач, уни ўғриси ҳам бўлмаган. Иккинчидан, ўғирлик қилганинг қўли кесилган. Зинокор эса ҳалқ ўртасида сазойи қилинган. Пайғамбарамиз ўз ҳадиси шарифларидан биринда: «Ўғри ўғрилик қилиб, бирорнинг ҳақини олаётганида мўмнилиги қолмайди», — деганлар.

тарбия. Чунки биз фарзандларимизни ўзимиз қулимаган ва билмаган ишларга ўргатдик. Энди ана шу қайлардан, кимларгадир эш бўлни келгандардан қайтармогимиз лозим.

ЖУРНАЛИСТ ҚАЙДЛАРИ

Ўзимиз қулимаган ишлар. Эҳ, улар шунчалик кўпки, садабади адоғига етмайсан. Нега буларни ота-бобонгиз қулимаган ва бебаҳра қолдирган шу мўъжаз бинони айланарканман, кўзим бехосдан ҳар бир ҳужрага кираверишда осиб қўйилган ёзув таҳталарида тушади.

«Пора берувчига ҳам, пора оловчига ҳам, ўртада туриб воситачилик қулиувчига ҳам Аллоҳнинг лаъни бўлсин!».

«Бир марта «хамр» ичган одам кирқ куилик намоз савобидан маҳрум бўлди. Башарти у ичиб туриб ўлса, дўзахга тушади».

«Мен яхши ҳулқларни мумкамал қилишилик учун юборилдим».

«Расуллulloҳ ҳадисларидан». «Зинога яқинлашманглар, албатта бу иш фоҳиша ишдир ва ёмон йўлдир» («Иср» сураси, 32-оят).

Билмадим бу сұхбатни муштарийларимизнинг қанчаси ўқийди-ю, қанчаси омонатигина кўз югуртириб чиқади. Еки умуман қўлга олмайди.

Демак бугунги жиноятчиликин тугатиши учун биргина сұхбатлар, факат бир ёқлама «курашлар», ҳамма ишини биргина ҳуқуқ-тартибот ходимларига юклаб қўйиш камлик қилиди. Бунинг учун 14 миллионлик ўзбек ҳалқининг эскиур-одатларини маҳалла кўйда, шаҳару қишлоқда бирдай жонлантиримок лозим. Зеро жиноятчани жазолашда ҳамма ўзини масъул сезсин.

Ахир, бундан XIV аср мумқаддам бутун дунёда барка-мол динни юзага келтирган Муҳаммад алайҳиссалом ўзини мусулмон санаган ҳар бир мўминга шундай таълим бермаганиди! «Номақбул ишлар қилинаётганини кўрганингизда уни кўп билан тўхтатишига ўрининг, бунинг имкони бўлмаса, сўз билан тўхтатинг, бордию бунинг ҳам имкони бўлмаса, имон занғлини далолат бўлса-да, уни фикран тўхтатинг».

СУРАТДА: мадраса талабалари ёзги таътил олдидан. Суратларни А. Бенъяминов ва Ҳ. Шодиевлар олишган.

ҚОРА КУРСИДАГИ МҮЙСАФИД

Бу киши Галаба туманин матлубот жамиятига қарашли 1-дүйкөндө 14 йилдан бери «хўжайин»лик қилади. Еши 59 да. Кексайиб қолган бўлса ҳам, олғирлиқда унинг гайратига бас келиш қийин: «опити» катта-да. Пули кўп. Ўзига тўқ. Қонун билан бир тийинлик иши йўқ. Бироқ сўнгги пайтларда негадир паришонроқ бўлиб қолган. Алланарсаларни ўйлайверади. Мана ҳозир ҳам кабинетидаги креслога ястаниб олганча яна хаёл сурояти. Эҳ-ҳа, у келажак ҳақида бош қотираётган экан.

— Аттанг, пенсияга чиқишимга бор-йўғи бир йил вақт қолди-я,— дед бошини чайқаб қўйди.— Нима учун ноёб моллар даври 5-10 йил аввал бошланмади экан. Ҳарна-да, ҳозиргача анча-мунча ишлаб қолардим. Ҳа, майли, шунисига ҳам шукур. Айтинг-айтинг нафақага чиқишига ариза ёз, деб қолмасалар бўлгани. 14 йил ичиде энг омадим келган пайт шу бўлса керак. Ишқилиб БХСС, ревизия, комиссия деган балолардан ўзинг сақлагинда.

Шундай хаёллар оғушида кўзи уйқуга кетиб қолибди. Кейин эса гайриоддий туш кўриди.

Бир маҳал даста-даста пуллар тилга кириб, ўзаро сухбатлашётган эмиш.

— «Хўжайн» имиз ин-

соғсиз одам экан. Иўқса биз ҳозир бу ерда йигилмасдан давлат банкида ёки одамлар қўлида эъзозланётган бўлардик. Аттанг, бу ерда сичонларга ем бўлмасак эди.

Мудир эса бу тапларга эътибор ҳам бермай яна бир қанча 25 сўмликларни улар устига ташлади-да, яширин хазинасини сичон кирмайдиган қилиб маҳкамлаб қўйди. Сўнгра ўзи омбордан ҳабар олгани кетди.

Бу ерда ҳам тартибсизлик устидан чиқиб қолди. Дера-задан тутун бурқисираб чиқаётганини кўриб, дарҳол ичкарига кирди. Бир неча қути сигареталар ўзига-ўзи ўт қўйган экан.

— Бу нима қилганларинг, ўдагайлари у.— Ҳар биттант чайқовда беш сўм турасан. Нима, мени хона-вайрон қилмоқчимисанлар?

— Сиз бизни бу ерда но-қонуний сақлаётган экансиз. Шунинг учун зудлик билан барчамизни савдо пештахтларига чиқаришингизни та-лаб қиласиз. Ёхуд ОБХСС вакилини ҳузуримизга келтиринг. У билан мулоқот олиб борамиз,— деди митинг ташкилотчиси «Космос».

— Ҳа, бу ерда ётавериб динкинафас бўлиб кетдик. Сиз келажагимизга тўғаноқ бўлаяпсиз,— гапга аралашди «Тошкент».

Хуллас «Полёт» ҳам дўстларининг гапини тасдиқлади. У талаблари қондирилмаган тақдирда ҳаммалари ўзларига ўт қўйишини ёки зах тортиб чириб кетишиларини расман баён қилди.

Бу гаплардан сўнг мудир бир оз мулојим тортди ва ётиги билан тушунтира бошлади.

— Тушунинг, ахир, мен ҳам сизларни бу ерда сақлаб туриш тарафдори эмасман. Нима қилай, сизларни ўз вақтида олиб кетишимаса. Лекин қараб ўтирганим йўқ. Мавжуд бўлган барча имкониятларимни ишга соляпман. Яна озгира сабр қилинглар. Мени айтди дейсиз, яқин кунлар ичиде барчангиз одамлар оғзига қистириласиз. Тутун бўлиб, ўзингиз орзу қилган оғмону фалакка учасиз. Ҳаттоқи, сизни жононлар ҳам лабларига олишади. Ҳа, ишонаверинг.

— Йўқ! Омборни барибир очмайман!

Норимбой мудир шундай деб бақириб юборди ва ўзи ҳам чўчиб уйгониб кетди. У кўзини очиб қараса, қаршисида папка қўлтиқлаган қишилар туриди.

— Тушингизни сувга айтинг. Биз барибир омборни тафтиши қиласиз,— деди

улардан бири.

Норимбой Пирназаров не кўз билан қўрсинки, қаршисида турганлар милиция ходимлари эди. Улар бир зумда ҳамма ёки ағдар-тўнтар қилинди. Яшириб қўйилган сигареталар дарҳол савдо пештахтларига чиқарилди. Мудирнинг барча кирдикорлари ошкор бўлиб қолди. Ҳаш-паш дегунча суринтирув ҳам ниҳоясига етказилиб, қўзғатилган жиноий ишхалқ судига оширилди.

Бўстонлиқ туманида ҳалиқ судъяси И. Ибодов раислигида бўлиб ўтган мажлисда тўплланган барча далиллар ўз исботини топди. Айбланувчининг ўзи ҳам 700 қути «Тошкент», 2250 қути «Полёт», 480 қути «Космос» сигареталарини гаразли мақсадда савдодан яшириб қўйганларига икрор бўлди. Бундан ташқари у кўп миқдордаги сигареталарни ўз таниш-билишларига енг учиди пуллаб юборганини ҳам бўйнига олди.

Қисқаси, ЎзССЖ жиноят мажмуасининг 177-2 моддасининг 2-қисмига асосланаби. Норимбой мудиргага уч минг сўм жарима солинди ва уч йил муддат билан моддий жавобгарлик ишларидан четатиди.

Маҳкам ҲАКИМОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

КУЛФАТ КЕЛТИРГАН ЎЗБОШИМЧАЛИК

Риштон туманидаги Авазбай қишлоғида истиқомат қилувчи, Кировноми ўрта мактабнинг 9-санф ўқувчиши Олимжон Фозилов ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ бўлишига қарамасдан, отасининг «Урал-67» белгали кашавали мотоциклни уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳовлидан ҳайдаб чиқиб кетди. Кўчага чиқаётганда, Дуттир қишлоғига қаралупларни бурди.

Бу ерда яшовчи опаси Қаноатхонанинг уйига келиб, унинг уч ёшли қизасини Хурриятни кашавага ўтказиб қўйди. Жаҳонобод қишлоғи худудида О. Фозилов мотоциклни бошқармай қолди ва қарши томондан келаётган «Москвич» машинаси йўлига чиқиб кетди-да, унга бориб урилди. Натижада бегунон гўдак ҳалок бўлди. Олимжоннинг ўзи эса ёғи сингани учун касалхонага ётқизилди.

Шу ўринда биз Қаноатхонга қанчалик оғир бўлмасин, бир тапни айтаб ўтишини лозим кўрдик. Укасику сўроқсиз дадасининг мотоциклни миниб келибди. У эса Олимжоннинг ёшлигини, қоидани билмаслигини кўрабиша туриб, унга индамаган, устига-устак ўзининг норасидасини ҳам уасига қўшиб юборган. Кўрдингизми, бирлаҳзалик лоқадилар тифуфли, 15 ёшли ўспирининг бебошлиги оқибатида умр бўйни эдан чиқмайдиган фожия рўй берган.

Ачинарлиси шундаки, аксарий ҳолларда гувоҳномасиз, вояга етмаган мотоцикл «ҳайдовчи»ларини милиция ходимлари тўхтатиб, содир этилиши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олишмоқчи бўлганларидан, баъзи отоналар милиционерларга дўк урадилар. Улар устидан нолийдилар. Бундайлар билмайдик, бир кунмас, бекон бармоқ тишлаб қолишларини.

Эминжон ОБИДОВ,
милиция катта лейтенанти.



153



Ленин туманидаги Қўйлиқ бозорида 86-комсомол-ёшлар дўкони бор. У 1989 йилда очи-либ, ижара пурратида иш бошлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келишилган нархда дедхонлардан сотиб олиниб, харидорларга етказилади. Бундан ташқари дўконда БХСС ходимлари чайқовчилардан, олиб сотарлардан мусодара қилган, ДАН ходимлари жумҳурият худудидан четга олиб чиқиб кетиши пайтида

тўхтатган ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар ҳам сотилади.

СУРАТЛАРДА: комсомол-ёшлар дўкони сотувчилари Қобилжон Олимов ва Нигматилла Ҳамидовлар харидорларга хизмат кўрсатади. Ҳамидовлар дўкони мудири А. Олимов (ўнгда) савдо ходимлари билан хизматни янада яхшилаш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида сұхбатлашмоқдалар.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

МОТОЦИКЛИ

Енгил ҳаёт кечириш, қўлини соvuқ сувга урмай бу дунё лаззатларидан татиши дардига қаттиқ чалинглар ўзига яраса ихтироига айланниб кетишишаркан. Үғирлик, талончилик, босқинчилик сингари разолатни амалга ошириш йўлида нёне усулларга мурожаат қилишмайди, дейсиз.

Кейинги пайтда пойтахт кўча-кўйларидага яна мотоциклли талончилар пайдо бўлгани кузатилмоқда. Шу кун ташвишлари билан ўй-чан йўл ёқалади одимлаётган ёки бекатларда улов кутаётган фуқаролар қўлидаги сум-

ТАЛОЧИЛАР

каларини «темир от» мингилар юлқиб қочишишоқда. Жабрланувчи ўзига келгунга қадар уларнинг қораси кўздан ўчади.

Эрталаб соат тўққизларда 23 ёшли Т. Натальяга шундоқини чорраҳада ташлашишди. Мотоциклдаги икки барзанги тортиб олган суммада эса омонат касса дафтариши ва 300 сўм пул бор эди. Туш пайти мотоциклли талончилардан 50 ёшли К. Людмила азият чекди. Яшин тезлигига гойиб бўлганлар билан сумма ва 390 сўм пул кетди.

Р. ЖУРАЕВ.

НАЙРАНГНИНГ БАҲОСИ

Собит шу куни ухлагани эрта ётди. Кеч соат тўққизларда хотини акаси келганини айтаб, уни уйғотди. У ўрнidan қўзғалмай туриб, қайноғаси бир ўртоги билан хонага бостириб кирди-ю, унга дўйк ура бошлади. Собитнинг автомашинаси калитини тортиб оларкан, 4000 сўм пул эвазигина қайтариб бешини айтди.

Эртаси куни Собит «Галабанинг 40 йиллиги» номли истироҳат бўғига Солижон Мусаев ва унинг шериги Ф. Исаевга 200 сўм берилди, қолганини машинани олгандан сўнг келтиришини айтди.

Шу вақтда милиция ходимлари пайдо бўлиб, Ф. Исаевни ушладилар. З. Урунов ва С. Мусаевлар эса машинада қоча

бошладилар. Аммо узокқа қоча олмадилар. Тинтуб қилинганида, уларнинг ёнидан пичок чиқди.

Воқеа бундай бўлган эди. Собитнинг хотини акаси Солижонга эридан шикоят қилиди. Жигарининг дарду ҳасратидан аччиғланган Солижон машшатга берилган, унга топган тутганини олиб келмайдиган кўёванині қўрқитиб қўйиш, ундан пул ундириб, синглисига бериш ниятида шу найрангни ўйлаб топган экан.

Аммо бу унга ва шерикларига қимматга тушди. С. Мусаев 7, Ф. Исаев 6, З. Урунов 5 йил муддатга озодликтан маҳрум бўлдилар.

З. СОДИҚҲУЖАЕВ.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Постда» рўзномасига барча алоқа бўлимларида обуна давом этмоқда. Агар рўзномамизга 5 юлга қадар обуна бўлишга улгурсангиз, уни 1 августдан бошлаб оласиз.

Обуна баҳоси 5 ойга — 6 сўм 50 тийин, 3 ойга — 3 сўм 90 тийин. Рўзноманинг обуна рақами — 64615.

Мұҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меднат Қизил
Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома оғсёт усулида, А-3 қолипидаги босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилди — 18.50. Буюртма — 5589. Индекс: 64615.

Телефонлар: Мұҳаррир,
мұҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
«НА ПОСТУ»
Орган коллегии МВД
УзССР